2016 ЙИЛ 4 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 134 (13.197)

Баҳоси эркин нархда

ИСЛОҲОТЛАР ВА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида 30 июнь – 1 июль кунлари Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига сафарининг иккинчи куни Қарши туманидаги "Шукрона" фермер хўжалиги даласига ташриф буюрди.

Қашқадарёлик деҳқонлар бу йил 145 минг гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштирди. Шу кунларда ўримйиғим ишлари қизғин давом этмоқда. "Шукрона" фермер хўжалиги ҳам алоҳида фаоллик кўрсатаяпти. Мўлжал 20 гектар ғалланинг ҳар гектаридан 65 центнердан ҳосил олишдир.

Фермер ва деҳқонларимиз учун масъулиятли бўлган шу кунларда сизларнинг ёнингизга келиб, дилдан суҳбатлашиш, ҳол-аҳвол сўраш, ҳорманг, дейиш менга катта мамнуният бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аграр соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилгани, ерга, меҳнатга муносабат ўзгаргани, деҳқончилик маданияти юксалгани туфайли қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштирилаётир.

Бугунги кунда Қашқадарё ҳар томонлама ривожланган вилоятлардан бирига айланди. Мамлакатимиз ғалла хирмонининг 12 фоизи, пахтанинг қарийб 15 фоизи шу вилоятда етиштирилмоқда. Бу йил ғалла ҳосилдорлиги гектарига ўртача 62 центнерни ташкил этаётгани ҳам қашқадарёлик миришкорларнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги самарасидир.

Президентимиз раҳнамолигида Қашқадарё вилоятида улкан бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Қарши шаҳрида янги йўл ва кўприклар, кўп қаватли уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар, хизмат кўрсатиш объектлари бунёд қилинди ҳамда бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит ва қулайликлар яратилмоқда.

Шаҳрисабзда ҳам кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Оқсарой мажмуаси атрофидаги майдон кенгайтирилиб, Чорсу бозори, Кўкгумбаз, Дорут-тиловат, Дорус-саодат обидаларини боғловчи сўлим хиёбон барпо қилинди. Шаҳарнинг сайёҳлик салоҳиятини янада ошириш мақсадида Қарши шаҳрига борадиган 129 километрлик замонавий йўл қурилмоқда.

Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларини ҳар томонлама обод қилиш учун катта маблағ ва ресурслар ажратилган, деди Ислом Каримов. Шаҳарлар қиёфаси, инфратузилмаси шунга мос бўлиши керак. Мақсадимиз – аҳолимиз учун барча замонавий шароитларни яратиш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришдир. Шу билан бирга, бугун амалга ошираётган ишларимиз келажак авлодларимизга ҳам хизмат қилсин.

– Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили, айтиш мумкинки, ҳар бир ойи тарихий воқеаларга, улкан муваффақиятларга бой бўлмоқда, – деди "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Январ Иноятов. – Буни ҳар қадамда ҳис этаяпмиз, барча вилоятлар мисолида кўраяпмиз. Яқинда Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ишга туширилганини телевизор орқали кўриб, ҳаммамиз чексиз қувондик. Уни аср мўъжизаларидан бири деганларича бор. Ниҳоятда қисқа муддатда – атиги 32 ойда 123,1 километрлик темир йўл ва 19 километрдан зиёд туннель қуриш ҳазилакам ишми! Бундай улкан лойиҳаларни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қудратли давлатгина амалга ошира олади.

Президентимиз фермер ва ишчиларнинг меҳнат қилиши ҳамда дам олиши учун яратилган имкониятлар, оилавий шароитлари билан қизиқди. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар халқимиз турмуш даражасини, дунёқарашини, маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

"Шукрона" фермер хўжалиги раҳбари Ҳотам Жумаев, "Абдиев Мажид" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Суюн Абдиев, Ғузор туманидаги "Зарбдор" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раъно Жонқуватова, Шаҳрисабз педагогика коллежи ўқитувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Шаҳноза Холмаҳматова, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қашқадарё вилоятидаги тараққиёт, ўзгаришлар одамларнинг ҳаёт даражасини ошираётгани, ўз мустақил фикрига, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга ёшлар катта ютуқларга эришаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар, уларда билдирилган фикрлар амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини муттасил юксалтиришга хизмат қилаётганини яна бир бор намоён этди.

Анвар САМАДОВ,
Ўлмас БАРОТОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

"ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИГА 25 ЙИЛ" ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз истиқлолининг 25 йиллигини кенг нишонлаш муносабати билан ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) бир ой муддатда "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонлари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Д.Назармухамедов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 1 июлдаги ПФ-4807-сонли
Фармонига 1-илова

"Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони тўғрисидаги

НИЗОМ

1. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳалари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, вазирлик, идора ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, бунга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга унинг гувоҳномаси берилади.

4. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 1 июлдаги ПФ-4807-сонли
Фармонига 2-илова



"Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонининг

ТАВСИФИ

"Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик нишонининг олд томони марказида қуёш нурлари фонида Мустақиллик майдонида жойлашган Мустақиллик ва эзгулик монументида акс эттирилган Бахтиёр она ҳайкали тасвирланган. Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб зарҳал ҳошия билан ўралган оқ эмалли доирада "O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGIGA" сўзлари, пастки қисми марказида эса иккита саккиз қиррали юлдуз оралиғида "25 YIL" ёзуви акс этган. Ёзувлар зарҳалланган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби, пастки қисмининг марказида "2016" ёзуви тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабариқдир.

Эсдалик нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабариқ доира билан ўралган.

Эсдалик нишони илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағич билан туташтирилган. Қадағич Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги, эни 20 миллиметрли шойи лента билан қопланган.

Қадағичнинг бўйи – 16 миллиметр, эни – 25 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонига эсдалик нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг маънавий ҳаётимизда эзгулик, шукроналик, меҳр-оқибат каби олижаноб қадриятларни қарор топтиришдаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, миллий-диний анъаналаримизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2016 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 6 июль чоршанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини эътиборга олиб, 2016 йил 6 июль дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитини жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтказиш учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 июль

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан "Таълим муассасаларида ўқитиш сифатини ошириш, битирувчиларни ишга жойлаштиришга оид вазифалар ижроси юзасидан депутатлик назоратини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Юқори Чирчиқ туманида "Мустақиллик – юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги, халқимиз бахту саодатининг кафолатидир" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагоглари, фахрийлар ва ёшлар иштирок этди.

• Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан Оҳангарон шаҳридаги "Саховат" уйида "Кексаларни эъзозлаш – муқаддас бурчимиз" мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. "Саховат – беназир қадрият" лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги вакиллари, нуронийлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Бухорода "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Маслаҳатчиларнинг фаолиятини чуқур ўрганиш, улар меҳнатини рағбатлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ўтказилган танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 13 нафар маслаҳатчи учта шарт бўйича ўзаро баҳслашди.

ЖАҲОНДА

• Кубада энергия қувватини тежаш режими жорий этилмоқда.

• Ил-76 самолёти ҳалокатга учраган жойида — Иркутск областида қутқарувчилар барча ҳалок бўлганларнинг таналарини топишга муваффақ бўлишди.

• Кеча Ироқда иккита кучли портлаш амалга оширилди. Мазкур террорчилик ҳаракатлари натижасида 165 киши ҳаётдан кўз юмди. Шу муносабат билан мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди.

• АҚШлик олимлар картошканинг бинафшаранг тусга кирувчи янги навини ихтиро қилди. У ўзида жуда кўп фойдали элементларни жамлаши билан бошқалардан фарқ қилади. Шунингдек, витаминларга бой ушбу картошкаларда саратон касаллигини юзага келтирувчи канцероген моддаси миқдори камлиги аниқланди. Картошка нафақат антиоксидантлар, балки С витамини, рух, темир моддаларини ўзида яхши сақлаши маълум бўлди.

Шу азиз Ватан — барчамизники

Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат. Аҳолиси 32 миллионга яқинлашган юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари умргузаронлик қилмоқда. Энг муҳими, халқимизнинг аҳиллиги ва ҳамжиҳатлиги, турли миллат вакилларида ягона Ватан туйғуси йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда.



Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йили ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази (РБММ) ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, мавжуд миллий маданий марказларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, жамиятда бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашга ўз улушини қўшиб келмоқда.

Ҳозирги пайтда РБММ Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган 140 га яқин миллий маданий марказлар (МММ) ишини мувофиқлаштириб, улар билан бирга хилма-хил маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келади. Фестивал-лар, концертлар, кўргазмалар, ижодий кечалар, конференция ва семинарлар, давра суҳбатлари ва қизиқарли учрашувлар бунга мисол бўла олади.

Миллий маданий марказлар мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин нуфузли жамоат ташкилотларига айланди. Уларнинг асосий мақсади ҳар бир миллатга хос маданият, урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, жамиятимизда ҳамжиҳатлик руҳини мустаҳкамлашдан иборат. Асосий устав фаолиятидан ташқари марказлар мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этади, бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказади ва шу орқали ёшларни ватанпарварлик, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга кўмаклашади.

Ўзбекистоннинг турли миллатга мансуб фуқаролари нафақат ўз маданияти, тили, урф-одатларини асраб-авайлаш ҳуқуқига, балки бу борадаги ютуқларини кенг намойиш этиш имкониятига ҳам эга. ММҲлар бу борада хилма-хил тадбирлар ўтказмоқда, бошқа миллий маданий марказларнинг акцияларида, давлат ва умумхалқ байрамларини ўтказишда иштирок этмоқдалар. Буларнинг барчаси миллий маданиятларнинг ўзаро бир-бирини бойитиши жараёнига, ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда таълим етти тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, туркман ва қирғиз тилларида олиб борилади. Бундай тажриба дунёнинг ҳеч бир мамлакатида йўқ. Мактаблар ва олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаларини чоп этиш давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, кўплаб маданий марказлар қошида якшанба мактаблари ва тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда немис, яҳудий, арман, поляк, грек, татар, озарбайжон, хитой, корейс миллий маданий марказлари қошида она тилини ўрганиш борасида самарали иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни ва Наврўз байрамлари, Халқаро аҳолишунослик куни, Бағрикенглик куни, Мамлакат Конституцияси қабул қилинган кун каби саналар турли миллий маданиятлар намойиши ва дўстлик байрамларига айланиб бормоқда. Улар ҳар бир миллатга хос ютуқлар ва урф-одатлар тарғиботи бўлиш билан бирга, ягона Ватанга бўлган муҳаббат ифодаси ҳамдир.

Айни пайтда, ММҲлар томонидан хайр-саховат, имконияти чекланган шахсларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу йил Соғлом она ва бола йили дастури доирасида ҳам кўплаб тадбирлар уюштирилмоқда. Миллий маданий марказлар Халқаро оила куни, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини нишонлашда, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши кураш тадбирларида фаол иштирок этмоқда.

Марказлар фаолларининг рағбатлантирилишини унинг фаолиятига берилган юксак баҳо, жамият ҳаётида тутган муҳим аҳамиятининг тан олиниши деб ҳисоблаш мумкин. Истиқлол йилларида мамлакатимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун ММҲлар раҳбарлари ва фаолларидан 100 нафардан ортиғи ҳукуматимизнинг турли мукофотларига сазовор бўлган.

Миллий маданий марказлар фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим воситаси бўлиб, уларнинг фаолияти — кўп миллатли мамлакатимизда фуқаролар конституциявий ҳуқуқларининг амалга оширилаётганлиги, халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигининг яққол тасдиғидир.

РБММ ташаббуси билан чоп этилган ўттизга яқин китобда миллий маданиятларни ривожлантириш, фуқаролар ҳамжиҳатлиги назарияси ва амалиёти, бағрикенглик, миллатлараро ва конфессиялараро муносабатларнинг долзарб масалалари чуқур таҳлил қилинган. Жумладан, истиқлол йилларида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасида эришган ютуқларимизни акс эттирувчи "Ўзбекистон — умумий уйимиз" альбом-китоби, "Ўзбекистон Конституцияси — буюк келажагимиз кафолати", "Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожи", "Ўзбекистон – бағрикенг диёр", "Ўзбекистон – кўп миллатли аҳил оила" сингари тўпламлар бунга мисол бўла олади.

РБММ Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги ҳамда Соғлом она ва бола йилига бағишлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда "Ўзбекистон – умумий уйимиз" дўстлик ва маданият фестивалини ўтказмоқда. Олтинчи марта ўтказилаётган фестиваль доирасида "Соғлом бола тарбиясида миллатлараро тотувликнинг ўрни" мавзуида илмий-амалий семинар, давра суҳбатлари, учрашувлар, концерт ва кўргазмалар ташкил этилмоқда. Ҳозиргача ўтказилган тадбирларда жами 30 мингдан ортиқ турли миллат ва диний конфессия вакиллари иштирок этди.

Юртбошимиз РБММнинг 20 йиллиги муносабати билан йўллаган табрикларида "Ҳозирги кунда мамлакатимизда миллий-маданий ранг-баранглик ҳаётимизнинг ажралмас қисми сифатида қаралиб, барқарорликни таъминлаш омили бўлиб хизмат қилаётгани ва жамиятимизнинг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан илгарилаб боришида муҳим роль ўйнаётгани, биз Ўзбекистон деб атайдиган умумий уйимизда турли миллий маданиятларнинг бетакрор ва бой уйғунлигини шакллантираётгани алоҳида эътиборга сазовордир",- дея таъкидлайдилар. Зеро, бугунги кунда Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик маданиятини қарор топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ўзбекистонни ўз Ватани деб билган турли миллат вакиллари унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Н. МУҲАММАДИЕВ,
Республика Байналмилал маданият маркази директори

Ким эдигу ким бўлдик

МАҚСАДИМИЗ — ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК



БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Бугун дунёдаги ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда, энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган ижтимоий ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ижтимоий ҳамжиҳатликнинг энг асосий омилларидан бири бу жамиятдаги турли тоифалар, сиёсий кучлар ва партиялар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликдир.

Ижтимоий ҳамкорлик – муроса фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган турли миллат вакилларини, бошқа дин ва ирққа мансуб бўлган шахс ва гуруҳларни умумий мақсад усулидаги ҳамжиҳатлигини таъминлайди. Натижада жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади.

Фуқаролик жамиятида уларнинг аҳиллиги, одамийлиги, умуминсоний қадриятларга ихлос каби яхши сифатлар ўз аксини топади. Давлат иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун жуда зарур бўлган ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг кафолатидир. Ўз навбатида, ижтимоий ҳамжиҳатлик — давлат мустақиллигининг асосий гарови ҳисобланади.

Республикамизда ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш орқали жамиятни янада ривожлантиришга бўлган эътиборни Асосий қомусимизнинг 18-моддасида "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт" деб белгилаб қўйилганлигидан ҳам кўришимиз мумкин.

Зеро, Юртбошимиз ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли асарида "Ижтимоий ҳамжиҳатликни қандай таъминлаш, унга, шу жумладан, миллатлараро тотувликка қандай эришиш мумкин, деган мураккаб саволларга жавоб топишга қодир бўлган давлатгина демократик ривожланишга умид боғлаши мумкин" деб таъкидлаган эди.

Шу маънода, ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлаш – ўтиш даврида вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий зиддият ва тенгсизликларнинг олдини олиш, бадавлат ва ночор кишилар ўртасидаги узилиш максимал даражага бориб етмаслигига эришиш демакдир.

Мавлонбек ДОСЧАНОВ,
Бахтиёр ТОЖИБОЕВ

Тадбирлар

МУҚАДДАССАН АЗИЗ ВАТАНИМ

Айни кунларда мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигини муносиб равишда кутиб олиш ва катта тантана билан нишонлашга қизғин тайёргарлик кетаётган бир паллада, пойтахтимиз туманларида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари ва мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган маънавий-маърифий маданий тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилиб борилмоқда.

Мирзо Улуғбек туманидаги Ҳ.Абдуллаев маҳалла гузарида бўлиб ўтган тадбир ҳам мустақиллигимизнинг муборак йигирма беш йиллик шодиёнасига бағишланди.

Тадбир Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари, Маънавият тарғибот маркази туман бўлимлари, "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

– Мустақиллик биз учун энг улуғ ва энг азалий қадриятларимиз мезонидир. Халқимизнинг бой маданий меросини тиклаш, ривожлантириб бориш, жисмонан соғлом, ҳар жиҳатдан юксак ва етук камол топган шахсларни тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб бориш муҳим аҳамият касб этади, – дейди Мирзо Улуғбек туман ҳокими ўринбосари, маънавият тарғибот бўлими раҳбари Мамадали Эронов. – Зеро истиқлол бизга эркинлик, ҳурлик, қадриятларимизни қадрлаш, тарихимизни янада асраб-авайлаш бахтини, ўзлигимизни англаш тафаккурини инъом этди. Ўтказилаётган ушбу тадбирлар эса Ватанимиз мустақиллигининг нечоғли аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиш ва ёшлар онгига сингдиришга хизмат қилади.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг хушовоз хонандалари, Ўзбек миллий академик драма театрининг иқтидорли актёрлари, "Офарин" рақс гуруҳи иштирокчиларининг дилбар рақслари тадбирнинг мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаб берди.

БАРКАМОЛ ЁШЛАР– ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ

Юнусобод туманидаги 274-мактаб қошидаги "Юлдузча" номли оромгоҳда ташкил этилган тадбир ҳам Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланди.

Тадбир Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими томонидан уюштирилган.

– Ушбу маънавий-маърифий тадбир истиқлолимизнинг йигирма беш йиллик тўйига бағишлаб уюштирилди, – дейди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими бош мутахассиси Муаттар Эшбадалова. – Мазкур тадбир ёшларни, мамлакатимиздаги турли миллат вакилларининг анъана ва қадриятларини ҳурмат қилишга чорлаш, ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялашга даъват этади. Шу билан бирга ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг онгу шуурини маънан юксалтириб боришда бу каби тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида рус, татар-бошқирд маданият маркази вакиллари иштирокида дилрабо куй ва қўшиқлар янгради. 274-мактаб қошида ташкил этилган "Юлдузча" номли оромгоҳ тарбияланувчиларининг бадиий чиқишлари ҳам тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

МЎЪТАБАР ДИЁРГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида "Бизнинг мерос" туркумидан моҳир мусаввир Александр Перов ижодига бағишланган кўргазма очилди.

Бадиий академия раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тасвирий санъат равнақи йўлида самарали меҳнат қилган ижодкорларнинг маънавий меросини асраб-авайлаш, соҳанинг ўзига хос мактаб ва йўналишларини янада бойитишга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

А.Перов табаррук заминимиздан меҳр ва эътибор, ғамхўрлик кўрган, истеъдоди камол топган ижодкорлардан эди. Унинг тасвирий санъатга оид иқтидорининг юзага чиқишида Ўзбекистон халқ рассомлари Раҳим Аҳмедов, Неъматилла Қўзибоев ва бошқа кўплаб мўйқалам соҳибларининг ҳиссаси катта.

Узоқ йиллар тасвирий санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус билим даргоҳларида дарс берган А.Перов ижодида ҳаётга, жонажон Ўзбекистонимизга, унинг мафтункор табиатига, меҳридарё инсонларига бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиром муҳим ўрин эгаллаган. Тасвирий санъатнинг натюрморт, манзара, портрет, мураккаб композиция каби жанрларида ижод қилган мусаввирнинг оддий одамлар, ишчилар, деҳқон ва чорвадорлар, қўли гул ҳунармандларнинг меҳнати, гўзал шаҳару қишлоқларимиздан завқланиб яратган асарлари санъат мухлислари учун ғоят қадрли.

А.Перовнинг ушбу кўргазмада намойиш этилаётган "Бухоро зардўзлари", "Бизнинг ҳовли. Баҳор", "Узумзор", "Каштадўз аёллар", "Халқ устаси Ота Полвонов портрети" каби кўплаб картиналари томошабинларда катта эътибор уйғотмоқда.

ФОТОМАКТАБ БИТИРУВЧИЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Тошкент Фотосуратлар уйи ҳузуридаги ижодий мактаб-студия битирувчиларининг Соғлом она ва бола йилига бағишланган фотокўргазмаси очилди.

Мамлакатимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш, истеъдодини юзага чиқариш учун зарур шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ижодий мактаб-студия мана, ўн йилдирки, фотография санъатига қизиқувчи ёшларнинг амалий машғулотларда иштирок этиб, ўз тенгдошлари ижоди билан яқиндан танишиш, тажриба алмашиш имконини яратмоқда. Бу галги кўргазмада Мадина Исломова, Ойниса Азимхўжаева, Ирина Сухина, Бекзод Раҳимжонов, Жамол Сандибоев, Азиз Фозилжонов, Владимир Заводов, Георгий Чанков, Богдан Юматов каби ҳаваскорларнинг юртимиз бетакрор табиати, маданияти, санъати, самимий ва меҳнатсевар одамлари акс этган икки юзга яқин ижодий иши намойиш этилмоқда.

– Фотографиянинг кундалик турмушимиздаги аҳамияти беқиёс, – дейди М.Исломова. – Ҳаётимизнинг турли онлари, энг бахтли лаҳзаларимиз маълум вақт ўтиши билан хотирамиздан кўтарилиши мумкин. Ана шунда бизга ўша онлар муҳрланиб қолган суратлар ёрдамга келади. Мамлакатимизда биз, ижодкорларнинг ўз қобилиятини тўлиқ намоён этиши учун барча шароит яратилган. Яратилаётган имкониятлар ва рағбат бизни катта марралар сари руҳлантирмоқда.

(ЎзА)

"САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ" ДОИМ ХИЗМАТДА

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Соғлом авлод" халқаро хайрия жамоат фонди томонидан "Саломатлик поездлари" фаолиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда мамлакатимизда барча соҳалар қатори соғликни сақлаш тизимида ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилаётгани таъкидланди. Хусусан, жорий йилнинг 18-26 апрель кунлари ташкил этилган "Саломатлик" поезди орқали Қорақалпоғистон Республикасидаги 2035 нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрик билан бир қаторда "Саломатлик" поездининг фаолияти давомида вилоятдаги 11 та тиббий ва ижтимоий муассасаларга, шунингдек, 2300 нафардан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга манзилли равишда озиқ-овқат пакетлари ҳамда тиббий кўриклардан ўтган аҳолига алоҳида кийим-кечак, дори-дармон, витамин, тиббиёт жиҳозлари, санитария-гигиена воситаларидан иборат жами 1 миллиард 101 миллион 300 минг сўмлик инсонпарварлик ёрдами таркатилди.

Акциядан кўзланган асосий мақсад — экологик ноқулай шароитда истиқомат қилувчи аҳолини, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни, аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш ҳамда мурувват ҳаракатини рағбатлантириш ишига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этишдир, дейилди тадбирда.

Ушбу ташкил этилган "Саломатлик" поездларини юқори малакали шифокорлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё ҳамда Хоразм вилоятларининг чекка экологик ноқулай ҳудудлардаги аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказиб, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган давр мобайнида "Саломатлик" поездлари иштирокида жами 37474 нафар инсон чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказилди. Мутахассислар томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга манзилли равишда 8 миллиард 701 миллион 300 АҚШ долларига тенг бўлган турли хил ёрдамлар кўрсатилди.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
"Туркистон пресс"









Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, азим Тошкент шаҳрида Энг улуғ, энг азиз айёмга катта тайёргарлик кўрилмоқда. "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган буюк байрамимиз бош ғояси ҳар биримизни фидойиликка чорлайди. Шундай экан, Истиқлолимизнинг муборак 25 йиллигини муносиб кутиб олиш барчамизга катта масъулият ҳам юклайди.

Улуғ санага пухта ҳозирлик юзасидан Тошкент шаҳрида жойлашган маҳаллаларда ҳудудларни ободонлаштириш, тозалигини таъминлаш, ички йўл ва йўлакларни таъмирлаш, уй-жой фонди ҳамда ижтимоий объектларни куз-қиш мавсумига тўлиқ тайёрлаш, ҳар бир секторда йигирма бештадан кўчаларни тартибга келтириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўз навбатида, бундай самарали ишлар туманлар, маҳаллалар ва мавзелар кўркини очиб, халқимизга байрамона кайфият бахш этмоқда, улар ўртасида шукроналик ҳиссини кучайтирмоқда. Албатта, бу аҳоли тинчлиги ва осойишталиги ҳамда хавфсизлигини таъминлайдиган асосий мезондир. Буларнинг барчаси шаҳримизда фаолият юритаётган 11 та туманда яратилган тизимнинг натижасидир. Бу ҳақда куни кеча Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўтказилган селектор йиғилишида алоҳида таъкидланди.

Бинобарин, бугунги кунда шаҳримиз туманларида коммунал ва ободонлаштириш соҳаларига масъулият билан ёндошилаётганини таъкидлаш жоиз. Уй-жойларни таъмирлаш ишлари давом этмоқда, куз-қиш мавсумига тайёргарлик авжида. Бундай ижобий ишларда мутасаддилар, маҳалла фаоллари ва фуқароларнинг ҳиссаси катта.

Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, байрам олди ишларининг аҳволини ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Афсуски, айрим туманлар мутасаддилари, ҳокимларнинг бу масалага фидойилик билан ёндошмаётганликлари аён бўлмоқда. Ана шундайларнинг лоқайдлиги ва масъулиятсизлиги туфайли белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши ўзибўларчиликка ташлаб қўйилмоқда.

Яккасарой туманидаги ҳолат ўрганилганда туман ҳокими вазифасини бажарувчи Саидакбар Қодиров томонидан масъулиятсизликка йўл қўйилаётгани маълум бўлди. Қуйидаги мисолларга эътиборингизни қаратамиз: ҳисобот даврида бажарилиши лозим бўлган ишлар, хусусан, тумандаги кўп қаватли турар жой биноларининг том қисмларини капитал таъмирлаш режаси 41 фоизга, жорий таъмирлаш ишлари 54 фоизга уддаланган холос. Шу билан бирга кириш йўлакларини таъмирлаш 24 фоизга, йўлкаларни бетон қилиш ишлари 18 фоизга, болалар майдончаларини қуриш эса 24 фоизга адо этилган. Жумладан, тумандаги "Дилбулоқ" маҳалласидаги 16-уйнинг 4-кириш йўлаги ичкарисида қурилиш ва эски мебель чиқиндилари тўпланиб қолган. Афсуски, баъзи одамлар чиқиндиларни ўз вақтида белгиланган ҳудудларга олиб бориб ташлашни ҳанузгача ўрганишмаяпти. "Ракат" маҳалласидаги 40-уйнинг 1-кириш йўлаги атрофи эски омборга ўхшайди. Ҳар тарафда мебель бўлаклари сочилиб ётибди. Мазкур уйнинг олдидаги ҳолат қониқарсиз. Болалар майдончаси ёнида ҳам чиқиндилар тўпланиб қолган. Шу маҳалла ҳудудидаги Шоҳжаҳон кўчасида жойлашган "Ўзсаноатқурилишбанк"и ёнида ҳар хил чиқиндилар уюлиб қолган. Бунга на банк мутасаддилари, на округ раҳбарлари эътибор қилмаяпти.

Бу эса коммунал ва ободонлаштириш соҳасидаги ишлар тизимли йўлга қўйилмаганидан далолат беради. Туман мутасаддиларининг бу борада муайян дастури бўла туриб, унинг қачон бажарилиши ҳақида

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

аммо бу ҳикматни теран англамаган айрим раҳбарлар лоқайдликка йўл қўйишмоқда

ҳам деярли қизиқмаганлар шекилли. Тегишли назорат ишлари йўлга қўйилмаган.

Чилонзор туманида ҳам қилинаётган ишларнинг кўламини талаб даражасида деб бўлмайди. Юқорида келтирилганга ўхшаш камчиликларни тезда бартараф этиш ўрнига ушбу туман ён қўшниси Яккасаройдан қолишмаяпти, чоғи. Туман ҳокими Тоҳир Мирҳидоятовнинг бу борадаги масъулияти сезилмаяпти. Масалан, туманда йўлакларни бетон қилиш 34 фоизга, турар жой биноларини таъмирлаш 39 фоизга, болалар майдончаларини қуриш 11 фоизга ва ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш ишлари 17 фоизга бажарилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?! Устига устак туман ҳудудини ободонлаштириш ишлари тўлиқ охирига етказилмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган кўринади.

Мисолларга мурожаат қилсак бунинг гувоҳи бўламиз. "Қатортол" маҳалласидаги 43-уйнинг ён бурчагидаги эски гаражлар олдида чиқиндилар уюлиб ётибди. Қизиғи шундаки, сал нарида махсус чиқинди ташлаш жойи бор-ку. "Дилобод" маҳалласи ҳудудидаги 25-уйнинг 2-кириш йўлаги таъмирталаб бўлиб қолган, деворларининг сувоғи кўчиб ётибди. "Кўтарма" маҳалласидаги 18-уйнинг олд қисмидаги болалар майдончасидаги ўйин мосламалари синган ва жуда эскириб кетган. Шу уйнинг ёнидаги 19-уйнинг олдида қурилиш чиқиндилари мавжуд.

Туманда яшовчи айрим фуқароларнинг у ёки бу масала бўйича ҳақли эътирозлари фикримиз далилидир. Туман солиқ инспекцияси бошлиғи М.Зайнитдинов, туман ички ишлар бошқармаси бошлиғи А.Шермуҳамедовлар томонидан дастурлар ижроси юзасидан сусткашликларга йўл қўйилиб, назорат бўшаштириб юборилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган жиддий камчиликлар **Яшнобод туманида** ҳам кўзга яққол ташланади. Туман сектор раҳбарлари берилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан жон куйдириш ўрнига, унга совуққонлик билан қараб келишмоқда.

Бугунги кунга келиб кўп қаватли уйлар оралиғида болалар майдончалари ташкил этилганига анча вақт бўлган. Уларнинг аксарияти таъмирталаб ҳолатга келиб қолган. Масалан, "Фазогир" маҳалласидаги 3, 4-уйларнинг олд қисми, 5, 6-уйларнинг орқасидаги болалар майдончаси жуда ачинарли ҳолатда, ўйин аттракционлари ишдан чиққан. Ахир уларга ўрнатилган жиҳозлар ҳар йили ёз мавсуми бошланмасдан олдин обдон таъмирланиши керак эмасми? Шунингдек, ушбу маҳалладаги катта майдонда қурилиши бошланиб, тўхтаб қолган автотураргоҳ ҳудуди ҳозирда чиқинди ташлаш жойига айланган, қуриган ўтлар ёқиб юборилган. "Яшнобод" маҳалласидаги 6-уйнинг 3-кириш йўлаги таъмирталаб аҳволда. Девор сувоқлари кўчиб тушган. Ушбу уйнинг ёнида чиқиндилар йиғилиб қолганини кўриш мумкин.

Айрим хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг лоқайдлиги ҳам шундоққина кўзга ташланмоқда. Ахир туманда ҳар йили амалга оширилиши лозим бўлган ишларни мувофиқлаштириш, туман мутасаддиларининг фаолиятини назорат қилиш туман ҳокими Фаррух Ҳакимовнинг бурчи эмасми?!

Бу каби камчиликлар бошқа туманларда ҳам йўқ эмас. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ахир кайфиятни кўтарадиган обод ва кўркам ҳудудлардан ўрнак олса бўлади-ку.

Бугунги кунда шаҳарда изчил тизим яратилган. Мавжуд туманлар секторларга, секторлар эса округларга бўлинган. Сектор ва округлар раҳбарлари этиб тегишли ҳоким, прокурор, ички ишлар, солиқ идораси, ДСЭНМ ва молия раҳбарлари белгиланган. Улар масъулиятни ҳис қилгандагина ўша ҳудуд обод ва кўркам, аҳоли рози бўлади.

Шу ўринда ҳаққоний бир савол туғилади. Туманимиз, маҳалламиз ободлиги, фаровонлигини таъминлаш маҳалла-кўй, кенг жамоатчиликнинг, қолаверса сиз ва бизнинг инсоний бурчимиз эмасми?! Бир ёқадан бош чиқариб, мутасаддиларга ёрдам берсак, бу ҳам бизнинг ҳиссамиздир.

Хулоса ўрнида Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини таъкидлаш жоиздир: **"Раҳбар ўзининг амалий ишлари билан одамлар ўртасида обрў-эътибор қозониши керак. Эл-юрт ташвиши билан яшаш, одамларнинг орзу-интилишларига қанот бериш – ҳар бир раҳбарнинг бурчи. Раҳбарнинг ишига халқнинг ўзи баҳо беради".**

Шундай экан, ҳар бир раҳбар бурчини дилдан ҳис қилиши, ўзига юклатилган масъулиятли вазифани сидқидилдан бажаришни асло унутмаслиги лозим.

Ҳа, ободлик кўнгилдан бошланади, деган пурмаъно ҳикмат аллақачон халқимиз кўнглидан жой олган. Унга лоқайд ва бефарқ бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Олим МАҲМУДОВ

Кайфиятни кўтарадиган манзаралар...

Шайхонтоҳур тумани



"Қоратош" маҳалласидаги 11 ва 41-уйларнинг орқа томонида тоза ва озода болалар майдончаси.



Шайхонтоҳур номли маҳалладаги 1-уйнинг 3-кириш йўлаги.

Мирзо Улуғбек тумани



"Катта Қорасув" маҳалласидаги 3-уйнинг 2-кириш йўлагини намунали гўшалар сирасига киритиш мумкин.



"Шаҳриобод" маҳалласидаги 121-уй олдидаги кўркам болалар майдончаси.

Юнусобод тумани



"Ўзбекистон Мустақиллиги" маҳалласи олдидаги дилларга қувонч бахш этувчи манзара.



"Нурмакон" маҳалласидаги "Маънавият коммуналчи" ХУЖМШга қарашли 49-уйнинг 8-кириш йўлаги атрофидаги саранжомлик.

Дилни хира қиладиган ҳолатлар...

Яккасарой тумани



"Ракат" маҳалласидаги 40-уйнинг 1-кириш йўлаги ёнидаги ҳолат.



Шоҳжаҳон кўчасида жойлашган "Ўзсаноатқурилишбанк"и атрофидаги чиқиндилар тўплами.

Чилонзор тумани



"Қатортол" маҳалласидаги 43-уйнинг ён бурчагидаги эски гаражлар олдидаги аянчли аҳвол.



"Дилобод" маҳалласи ҳудудидаги 25-уйнинг 2-кириш йўлагидаги нохушликлар.

Яшнобод тумани



"Яшнобод" маҳалласидаги 6-уйнинг 3-кириш йўлаги қаровсиз бўлиб қолган.



"Фазогир" маҳалласидаги қурилиши бошланиб, тўхтаб қолган автотураргоҳ ҳудуди чиқинди ташлаш жойига айланган кўринади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри кўчаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, транспорт коммуникациялари инфратузилмасини янада такомиллаштириш, шаҳар аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш ва пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида бир қанча ҳудудларда бузиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу ҳудудларда уй-жойлари бузилишга тушган оилаларни турар жой билан таъминлаш ишлари Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ белгиланган тартиб асосида, кўп қаватли уйларда жойлашган хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширувчи фуқароларга ер участкалари ажратиш эвазига амалга оширилмоқда.

Ҳозирда, якка тартибдаги турар жой қуриш учун ер бўлаги олиш истагида бўлган фуқаролар, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Қизғалдоқ" ва "Хонобод" фермер хўжалиги ерларидан (мўлжал: Олмазор туманидаги "Бешқўрғон" даҳаси рўпарасида ва Сергели тумани Қўйлиқ-5 даҳаси рўпарасида), ўзларининг хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширишлари эвазига олишлари мумкинлигини маълум қиламиз.

Маълумот учун манзил ва телефонлар:

Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 166-уй (мўлжал: "Гузарбоши" МФЙ), тел: (+95) 199-22-52;

Шайхонтоҳур тумани, Оқилхон Шарофуддинов кўчаси, 10-уй (мўлжал: Ўқув даволаш тиббиёт коллежи), тел: (+94) 688-88-77, (+95) 193-03-13, (+97) 745-33-36.

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга тадбиқ этилган бўлиб, унга кўра, жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ барча кўринишдаги хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва турли кўринишдаги маълумотларни тақдим этиш учун юборилган аризаларни кўриб чиқиш **odnookno.uz** интернет саҳифасидаги аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу ариза ижросини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали **(my.gov.uz)** орқали ваколатли орган — "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга қулай, тез ва ошкора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, шунингдек, унинг қуйи тизимидаги ходимларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларида, улар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи "ишонч телефони" тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21
Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ПАЙШАНБА, 7

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Жийда гули".
7.35 "Диёрим табиати". Ҳ/ф.
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
9.10 2016 йил – Соғлом она ва бола йили. "Нурли ришталар".
9.30 "Чиннигул". Т/с.
10.00 "Иқлим".
10.15 "Муносабат". Ток-шоу.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Учбурчак". Ток-шоу.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Заковат".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Бизнес старт".
14.40 "Агроолам".
15.00 "Иқлим".
15.15 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Гаройиб шаршаралар". Ҳ/ф.
16.30 "Ахборот". /Инглиз/.
16.40 "Сен ёлғиз эмассан".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Сухбатдош".
17.25 "Севги саробларн". Т/с.
18.10 "Иқлим".
18.25 "Устурлоб".
18.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан. "Тадбиркорлар телеклуби". Ток-шоу.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бу ҳам муҳим". Ток-шоу.
22.20 – 00.00 "Бетховен асарларини кўчириб". Б/ф.
00.00 "Устурлоб".
00.20 Миллий сериал: "Жийда гули".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Ака-ука совчилар". Спектакль.
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
5.10 – 5.55 "Бу ҳам муҳим". Ток-шоу.

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Куёв". Спектакль.
7.40 "Ош бўлсин!"
8.30 "Хотира рашки". Б/ф.
9.30 "Давр мавзуси".
9.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол шукуҳи".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Нуқтаи назар".
11.40 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Юртим жамоли".
12.00 "Қасоскор". Т/с.
12.50 "Истиқлол шукуҳи".
13.00 "Давр".
13.10 "Маликанинг муҳаббати". Б/ф.
14.50 "Шарқ гавҳари".
15.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол солномаси".
16.00 "Давр".
16.10 "Совға". Б/ф.
16.50 "Юрт келажаги".
17.10 "Автопатруль".
17.30 "Насриддиннинг саргузашти". Б/ф.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Устозга беҳурматлик ёхуд келажакка отилган ўқ".
20.50 "Истиқлол шукуҳи".
21.00 "Қасоскор". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Мен айғоқчиман". Б/ф.
00.10 "Аждодлар ёди".
1.30 "Афсона ва ҳақиқат".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Бахт маликаси". Т/с.
10.45 "Пойтахт-авто".
11.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Телетаҳлил".
11.40 "Тошкентнома".
12.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
12.50 "Poytaxt-Hi-tech".
13.15 "Обод хонадон".
13.35 "Мобильная камера".
13.45 "Poytaxt-reportaj".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Сени дедим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.15 "Гугуртга кетиб". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Профессионал".
18.45 "Пойтахт-эко".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Сени дедим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Сайёр камера".
21.30 "Poytaxt-Hi-tech".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Смерть свадебного свидетеля". Х/ф.
23.45 "Мобиль камера".
00.05 "Сайёр камера".
00.30 "Poytaxt-reportaj".
00.40 "Мен сизга айтсам".
1.20 "Пойтахт-Hi-tech".
1.30 "Профессионал".
1.50 "Пойтахт-эко" (такрор).
2.15 "Бахт қўрғони".
2.45 "Ҳикматли дунё". "13 палата".
3.20 "Пойтахт-авто".
3.30 "Кинотақдим".
3.55-5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 Мадҳия.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Эътироф".
6.25 "Техноспорт".
6.35 "Матонат".
7.00 "Sport onlayn".
8.00 Хабарлар.
8.10 Футзал. Осиё чемпионати Қирғизистон – Япония.
9.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Спортчи қизлар Ўзбекистон ифтихори".
10.35 Теннис. Уимблдон турнири.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport onlayn".
13.00 Волейбол. Жаҳон лигаси.
14.00 Хабарлар.
14.20 Дзюдо. Гран При турнири.
15.20 "Эътироф".
15.30 Универсиада – 2016 спорт ўйинлари.
17.15 Белбоғли кураш. Халқаро турнир.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Спорт сайёраси".
18.15 "Халқ ўйинлари".
18.30 Хабарлар.
18.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Шижоат".
19.10 "Техноспорт".
19.25 Дзюдо. Гран При турнири.
20.25 Спорт-маркет.
20.30 Хабарлар.
20.55 "Спорт фидойилари".
21.15 Теннис. Уимблдон турнири.
22.40 Волейбол. Жаҳон лигаси.
23.40 "Шижоат".
00.00 Мадҳия.
00.05 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси.
1.50 Хабарлар.
2.15 Универсиада – 2016 спорт ўйинлари.
2.50 "Спорт фидойилари".
3.10 "Техноспорт".
3.20 Дзюдо. Гран При турнири.
4.25 – 6.00 Футзал. Осиё чемпионати Қирғизистон – Япония.

ЖУМА, 8

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Жийда гули".
7.35 "Мўъжизалар макони".
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий-сериал: "Чемпионлик орзуси".
9.10 "Сухбатдош".
9.30 "Чиннигул". Т/с.
10.00 "Устурлоб".
10.20 "Иқлим".
10.30 1. "Наўпир". 2. "Чинсэн".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Тадбиркорлар телеклуби". Ток-шоу.
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Сен ёлғиз эмассан".
13.15 "Бу ҳам муҳим". Ток-шоу.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Менинг боғим".
14.35 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
15.20 "Иқлим".
15.35 "Бармоқлар сеҳри". Б/ф.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Ҳаётдаги мен".
17.40 "Чашма". Б/ф.
18.55 "Иқлим".
19.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан. "Таҳлил – 25".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан. "Чорак аср шиддати" (рус).
20.30 "Чиннигул". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан. "Чорак аср шиддати" (ўзб).
22.05 – 00.05 "Авиатор". Б/ф.
00.05 "Тахлил – 25".
00.25 Миллий сериал: "Жийда гули".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Алла". Спектакль.
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
5.10 – 5.55 "Тадбиркорлар телеклуби". Ток-шоу.

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Нексия". Спектакль.
7.40 "Ош бўлсин!"
8.10 "Фусункор чироқлар".
8.30 "Бахт уйи". Б/ф.
9.30 "Автопатруль".
9.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол солномаси".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Биз киммиз?"
11.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол шукуҳи".
12.00 "Қасоскор". Т/с.
12.50 "Истиқлол солномаси".
13.00 "Давр".
13.10 "Кўнгил ҳайратлари".
13.55 "Тошкент вақти".